

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**63** **Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш  
Республика марказини Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфига бериш  
тўғрисида**

Олимпия захираси спорт салоҳиятини янада ривожлантириш, спортнинг сув турлари бўйича республика терма жамоаларини босқичма-босқич тайёрлашни зарур даражада ташкил этишни ҳамда жамоаларнинг 2012 йилда XXX ёзги Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳузуридаги Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказини Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфига бериш;

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Университет кўчасида жойлашган Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказининг бинолари ва иншоотларини Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси балансидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги балансига бепул бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказини, шунингдек унинг бинолари ва иншоотларини белгиланган тартибда қабул қилиш-топшириш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширсин;

бир ой муддатда Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш

Республика марказнинг янгиланган уставини тасдиқласин ва унинг белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика маркази таъминоти харажатларини молиялаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказининг марказнинг барча спорт объектларидан сифатли ва замонавий даражада фойдаланишни таъминлайдиган янги штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига такдим этсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 сентябрдаги 453-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарорига қўйидаги қўшимчалар киритилсин (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда):

2-иловага қўйидаги мазмундаги 33-банд қўшилсин:

«33. Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика маркази»;

3-иловага мутасаддилик қилинадиган ташкилотларнинг 3-блокига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика маркази».

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 22 февраль,  
31-сон